

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси

Текширишлар тўғрисида электрон тўплам

Тадбиркор учун қўлланма



2015

Текшириш ўтказиш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон тўплами

Ушбу электрон тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 сентябрдаги 02/1-579-сонли топшириғига асосан “2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари” мавзусида жорий йил 8 сентябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Республика конференция-семинари бўйича якуний ҳужжатга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тўпламда тадбиркорлик субъектларида назорат қилувчи органлар томонидан текшириш ташкил этиш ва ўтказиш масалалари, шу жумладан текширишларни ўтказиш тартиблари, талаблари муддатлари ва механизмлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланган.

Хўжалик юритувчи субъектларда назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорлари асосида амалга оширилади.

Шунингдек, текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби амалдаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Мазкур электрон тўпламда назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамланган:

Норматив - ҳуқуқий ҳужжатларнинг тури бўйича:

- Ўзбекистон Республикаси кодекслари ва қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган низомлар;
- Назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ташкил этиш ва ўтказишга доир ички идоравий ҳужжатлари.

Хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ташкил этиш ва ўтказишга ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазмунига кўра қуйидагиларга бўлиш мумкин:

I. Текширишларни мувофиқлаштириш, шу жумладан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Нazorat қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-1503-сонли Фармонига асосан ташкил этилган бўлиб, ушбу Фармонга мувофиқ мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси Назорат

қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилиши белгиланган.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Низоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ-2114-сонли Фармони билан тасдиқланган.

Шунингдек, Кенгашнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида белгилаб берилган.

II. Назорат қилувчи органларнинг текширувга жалб қилинадиган мансабдор шахсларига нисбатан талаблар белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказишга жалб қилинадиган мансабдор шахсларига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида, уларнинг текшириш давомида ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу Қонуннинг 17-моддасида белгиланган.

Текширишга жалб қилинадиган назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари Адлия вазирлигида 2010 йил 20 январда 2070-сон билан рўйхатга олинган “Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини бериш бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан аттестациядан ўтказилиши лозим.

III. Текширишларни ташкил этиш ва ўтказишга оид меъёрлар белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ташкил этиш ва ўтказишга оид умумий қоидалар, жумладан текшириш даврийлиги, муддатлари, асослари, текшириш натижаларини расмийлаштириш ва бошқа меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддасида, шунингдек Адлия вазирлигида 2006 йил 6 майда 1573-сон ва 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан рўйхатга олинган Низомларда белгиланган.

Шунингдек, айрим соҳаларга оид текширишларни ташкил этиш ва ўтказишга доир меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 14-бобида, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида” ги қонунларнинг тегишли моддаларида қайд этилган.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномасини қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармонининг 2-банди, ўтказилаётган текширишлар давомида Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдирилиши тартиби Адлия вазирлигида 2011 йил 7 ноябрда

2280-сон билан рўйхатга олинган Низомга мувофиқ тартибга солинади.

IV. Хўжалик юритувчи субъектларда назорат қилувчи органлар томонидан текширишларни чеклашга доир меъёрлар.

Қонунга итоаткор хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ўтказилмаслиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли фармонида белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли фармонининг 5-бандига мувофиқ ушбу мораторий муддати 2017 йил 1 январга қадар узайтирилган.

Шунингдек, 2013 - 2016 йиллар даврида ўз вақтида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдиган, солиқ ва статистика органларига ҳисоботларни топширадиган, шунингдек ўсиш ва рентабелликнинг барқарор суръатларини таъминлайдиган қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатадиган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти текширувлардан холи этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги “2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1957-сонли қарорида белгиланган.

V. Хўжалик юритувчи субъектларнинг улар фаолиятида ўтказилаётган текширишлар давомида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар ўтказиш давомида хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасида белгилаб берилган.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ушбу Қонуннинг 19-моддасида белгиланган тартибда назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилишлари мумкин.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг 89-моддасига биноан солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг ижроси суд томонидан тўхтатилган тақдирда, солиқ текширувини ўтказиш муддатини ҳисоблаш ҳам тўхтатилади.

VI. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўйилганлиги учун жавобгарлик чоралари белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик кафолатлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунининг 18 ва 20-моддаларида қайд этилган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузилганлиги ҳолатлари бўйича назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241²-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 192²-моддалари асосида жавобгарликка тортилади.

VII. Назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ташкил этиш ва ўтказишга доир ички идоравий ҳужжатлари.

Хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишларни тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилувчи органлар томонидан:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномалари;
- “Тадбиркорлик субъектларини текширишнинг йиллик мувофиқлаштирилган режа-жадвалларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги низомлар ишлаб чиқилган.

Ушбу ички идоравий ҳужжатлар билан “Tekshirishlar.uz” сайтининг “Назорат органлари” бўлимида танишиш имкони яратилган.

Шунингдек, мазкур бўлимда ҳар бир назорат қилувчи органлар кесимида уларга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида давлат назоратини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган.